



ИШОНЧ

УШБУ СОНДА:
2-бетда
ТАРИХНИНГ ЎҚИЛМАГАН САҲИФАЛАРИ
3-бетда
TV ДАСТУРИ
4-бетда
ШАНБА ГУРУНГИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

11 апрель, шанба 1998 йил №42 (544)

Сешанба, пайшанба
ва шанба кунлари чиқади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЯНАДА РАФБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни жадал ривожлантириш асосида мулкдорлар синфини шакллантириш, тегишли институтлар тизимини ташкил этиш, кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолияти соҳасига кредит ресурсларини кенг жалб қилиш ва хорижий сармояларни бевоқиф олиб кириш учун мақбул шароит яратиш мақсадига.

1. Белгилаб қўйилсинки, куйидагилар кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳисобланади:

мулк шаклидан қатъи назар, ишлаб чиқариш соҳасида йилга ўрта ҳисобда 10 нафаргача, савдо хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда 5 нафаргача иш билан банд ходимга эга бўлган микрофирмалар;

мулк шаклидан қатъи назар, ишлаб чиқариш соҳасида йилга ўрта ҳисобда 40 нафаргача, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида 20 нафаргача, илм-фан, илмий хизмат кўрсатиш, чакана савдо ҳамда бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда 10 нафаргача иш билан банд ходимга эга бўлган кичик корхоналар;

мулк шаклидан қатъи назар, кичик корхоналар учун йилга белгиланган ортқ, лекин ишлаб чиқариш соҳасида 100 нафардан, қурилишда 50 нафардан, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида, улғурчи савдода 30 нафардан, чакана савдо, хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда 20 нафардан ошмайдиган иш билан банд ходимга эга бўлган ўрта корхоналар.

2. Белгилаб қўйилсинки, кичик ва ўрта корхоналар одатда хомашё ва материалларни дастлабки қайта ишлаш, кичик ҳажмли, лекин кўп меҳнат талаб қиладиган бутловчи маҳсулотлар, жиҳоз ва асбоб-ускуналар, халқ бадийи хунармандчилиги ва амалий санъати буюмлари ишлаб чиқариш соҳаларида, шунингдек, сервис хизмати ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида барпо этилади.

3. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари ўзлари ташкил этаётган ишлаб

чиқариш учун хорижий технологияни олиб киришда бошхона тўловларидан озод қилинсин.

Қургонлар, қишлоқ ва овулларда янгидан барпо этилаётган, ишлаб чиқариш-техника соҳасига мўлжалланган маҳсулотлар, қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган, шунингдек, қурилиш фаолияти билан шуғулланадиган, таъмирлаш, таъмирлаш-қурилиш, маиший ва коммунал хизмат кўрсатадиган хусусий корхоналарга Ўзбекистон Республикаси солиқ кодекси 31-моддасининг 18-банди таъдиб этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, маъзур бандда қўрсатилган имтиёзлар фақат товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига, деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмасига аъзо бўлган кичик ва ўрта бизнес корхоналаригагина тегишлидир.

4. Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг ўз вазифаси ва фаолияти йўналишларини кенгайтириш ҳақидаги тақлифлари куйидаги ҳолларда қабул қилинсин:

кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ривожлантириш учун хорижий сармояларни жалб этиш бўйича фаолиятни йўлга қўйиш, сармоя жалб этиш жараёнининг барча босқичларини, шу жумладан, жалб этилаётган хорижий кредитлар лойиҳаларининг самардорлиги мониторингини ўтказиш;

корхонанинг катта-кичиклиги, мулк шакли ва соҳа бўйича кимга бўйсунганидан қатъи назар, барча товар ишлаб чиқарувчиларга дастлабки ҳисоб-китоб ва ҳисобот, молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш, сармоя жалб этиш, маҳсулотни экспорт қилиш, кадрларга профессионал таълим бериш билан боғлиқ бўлган барча масалаларда кўмаклашиш; кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рафбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши қарорларининг амалда бажарилиши борасидаги ишларни йўлга қўйиш;

«Бизнес-фонд», «Мадад» суғурта агентлиги, «Тадбиркорбанк» кичик ва ўрта бизнес корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга ошираётган тад-

бирларни мувофиқлаштириш.

5. Ўзбекистон Республикаси давлат мулк қўмитаси, Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, тижорат банклари:

«Бизнес-фонд», «Мадад» суғурта агентлиги, «Тадбиркорбанк»нинг Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига аъзо бўлиб кириши ҳақидаги;

мулк шаклидан қатъи назар, кичик ва ўрта бизнес корхоналарига, тармок ва худудий хўжалик бирлашмалари ва улар таркибига кирадиган корхоналарга кредит беришни амалга ошираётган тижорат банклари Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига, деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмасига аъзо бўлган кичик ва ўрта бизнес корхоналаригагина тегишлидир.

худудий хўжалик бирлашмалари, маҳаллий саноат, савдо, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, шунингдек, бозор инфра-тузилмаси ташкилотларининг палатанинг марказий ва минтақавий кенгаши фаолиятида уларнинг аъзоси сифатида иштирок этиши ҳақидаги тақлифлари маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси давлат мулк қўмитаси, Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан биргаликда бир ой муддат ичида маъзур фармоннинг 4- ва 5-бандларидан келиб чиқадиган барча зарур нишом ўзгаришларини амалга оширсин.

6. Фермер ва деҳқон хўжалиқларининг ташкилий фаолиятини яхшилаш мақсадида фермер ва деҳқон хўжалиқларини қўллаб-қувватловчи шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқлари уюшмасининг уни деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмасига айлантириш, айни вақтда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш фондини деҳқон ва фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш фонди, деб аташ ҳақидаги тақлифлари маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмаси деҳқон ва фермер хўжалиқларини шартнома асосида ўзининг аъзолари сифатида бирлаштирилади, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган муштаклиқ нодавлат ташкилоти ҳисобланади ҳамда ўз

фаолиятини иқтисодий муштаклиқ ва ўз-ўзини бошқариш тамойиллари асосида амалга оширади.

«Замин» банкнинг деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмаси фаолиятида унинг аъзоси сифатида иштирок этиш;

Европа таъмирлаш ва тараққиёт банкнинг деҳқон ва фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш учун 20 мингдан 125 миң АҚШ долларигача миқдордаги ўрта муддатли микро ва кичик кредитларга асосланган кредит йўналиши ажратиш ҳақидаги тақлифлари қабул қилинсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси ваколатли банкларининг кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун, деҳқон ва фермер хўжалиқларини ҳам қўшган ҳолда, сармоя лойиҳаларига ажратилган хорижий кредитларни қайта тақсимлашдан тушадиган воситачилик йиғимларининг умумий миқдори субкредит суммасидан олинмайдиган иллик фойданинг 0,15 фоизидан ошмаслиги лозим;

хорижий кредит йўналишлари бўйича олинган кредитларни тўлаш муддати улар субзаявмага қайта тақсимланаётганида 3 ойдан ортқ муддатга қисқартирилиши мумкин эмас.

8. Белгилаб қўйилсинки, бюджетдан ташқари фондларнинг кичик ва ўрта бизнес корхоналарига кредит бериш бўйича барча операциялари тижорат банклари, жумладан, «Тадбиркорбанк» ва «Замин» банк орқали, бюджетдан ташқари фондлар ва тижорат банклари ўртасида тузилган бош битимлар асосида кредит йўллари очиш орқали амалга оширилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ўзининг ихтисослашган ташқи савдо фирмалари орқали кичик ва ўрта бизнес корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотишни ташкил этсин. Уларга хорижий бозорларнинг маркетинг тадқиқотини ўтказишда кўмаклашисин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг худудий бўлими, деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмаси, маҳаллий солиқ ва статистика хизматлари билан биргаликда 1998 йил 1 июли-

га қадар барпо этилган ва ишлаб турган кичик ва ўрта бизнесга мансуб барча корхоналарнинг сонини аниқлаш мақсадида, уларнинг руйхатини инвентаризациядан ўтказилар;

Хусусий кичик ва ўрта корхоналарнинг товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг тегишли худудий бўлимига ёки деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмасига белгиланган тартибда аъзо бўлиб киришига кўмаклашиш бўйича амалий чора-тадбирлар қўрсинлар;

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасини, деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмасини барпо этилаётган ва тугатилмаган кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳақидаги ахборот билан ҳар ойда таъминлаб турсинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддат ичида:

Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси фаолиятини тақомиллаштириш тўғрисида;

Деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида;

кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш механизмларини тақомиллаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилинсин.

12. Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмаси, бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда бир ой муддат ичида амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларни маъзур фармон қондаларига мувофиқлаштириш ҳақида Вазирлар Маҳкамасига тақлиф қилинсин.

13. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўз вазирлиги ва Султоннов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ:

Тошкент шаҳри, 1998 йил 9 апрель.

Соҳибқиронга эҳтиром

Мамлакатимизда буюқ соҳибқирон Амир Темур таваллуд қилиб кенг нишонланди. Тантаналар Тошкентдаги улғ бобоқалонимиз номи билан аталувчи жиёбондан бошланди. Бу ерга қорхона ва муассасалар, жамоатчилик вакиллари, ёшлар, фахрийлар, пойтахт меҳмонлари йиғилди. Амир Темурнинг шуқу ва салобат бахш этиб турган ҳайкали пойга анвоий гуллар қўйилди.

Байрам Темурийлар тарихи давлат музейи олдидаги майдонда давом этди. Унда сўзга чиққанлар бобоқалонимиз жаҳон цивилизацияси, илм-фани тараққиётига улкан ҳисса қўшгани, унинг бебаҳо маънавий мероси миллий давлатчилигимизни мустақамлашда дастуриламал бўлаётганини таъкидлашди. Санъаткорлар концерти ва театрлаштирилган томошалар маросимга алоҳида файз ва шуқу бахш этди. Тантана қатнашчилари музейдаги Амир Темур ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ нобъ экспонатларни кўздан кеңирди. Тантаналарда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси У.Раҳматов иштирок этди.

Самарқандда улғ бобоқалонимиз туғилган кун алоҳида фахр-ифтихор билан нишонланди.

Тантаналар эрталаб Соҳибқирон номи билан аташувчи қўркам майдондаги бобоқалонимиз муҳташам ҳайкали пойга гул қўйишдан бошланди. Амир Темур мақбарасида ҳазрат руҳи олдида таъзим бажо келтирилди.

Самарқандлик санъат усталари ва бадийи ҳаваскорлик жамоалари катта дастурда концерт, театрлашган томошалар намойиш этди. Оқшом Ҳамид Олимжон номидаги вилоят эъдиб драма ва мусика театрида Амир Темурга бағишланган «Самарқанднома» спектакли қўрсатилди.

Тадбирда вилоят ҳокими А.Мардиев қатнашди.

У.З.А.

Ўзбекистон ва жаҳон ЎЗАРО ИШОНЧ ЙЎЛИДАН

6-10 апрель кунлари Ўзбекистонда Америка Қўшма Штатлари Конгрессининг делегацияси меҳмон бўлди. Унга Конгресснинг Вазирлар Палатаси қошидаги Ассигнациялар бўйича қўмита раиси Роберт Ливингстон бошчилик қилди. Ташриф давомида делегация аъзолари Ўзбекистон Президенти Ислам КАРИМОВ ҳамда Олий Мажлис ва Ташқи ишлар вазирлиги раҳбарияти қабулларида бўлдилар.

Президентимиз ҳузурдаги қабул чоғида Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги сиёсий, ижтимоий, савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларни янада кенгайтириш масалалари муҳокама этилди. Ислам Каримов Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги парламентларо алоқаларни янада кенгайтириш лозимлигини таъкидлади.

Республикамиз Олий Мажлисида бўлган учрашув чоғида Олий Мажлис раиси Эркин ХАЛИЛОВ америкалик конгрессменларга Ўзбекистон парламентини тузилиши ва фаолияти ҳақида атрофлича маълумот берди. Икки давлатнинг парламентларо алоқалари самарали ривожланаётганидан мамнуллигини билдирди. Уз навбатида, Конгресс делегациясининг раҳбари жаноб Ливингстон Ўзбекистон ва АҚШ парламентларининг қонунийлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, инсон ҳуқуқлари ҳимоясига доир ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва бошқа қатор соҳалардаги ҳамкорлигини янада кучайтириш лозимлигини қайд этди.

Кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги қўп томонлама алоқалар сўнгги вақтда самарали ривожланмоқда. Шу жумладан, мамлакатларимизнинг парламентларо ҳамкорлиги тобора кенгайиб бормоқда. 1997 йил давомида АҚШ Конгресси делегациялари юртимизга икки марта — май ва ноябрь ойларида ташриф буюрдилар. АҚШ конгрессменларининг мамлакатимизга бу галги учинчи бор ташриф буюришлари Америка ҳукумати ва халқининг Ўзбекистонга катта қизиқиш билан қараётганлигидан далолат беради. АҚШ Конгресси делегациясининг раҳбари жаноб Роберт Ливингстон билан суҳбатлашганимизда у ўз ҳукуматининг Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга интилиши кўчли эканлигини қайд этди.

— Биз Марказий Осиё давлатларига сафар қилиш ниятида йўлга тушганимизда, минтақадаги етакчи уринни эгаллаган Ўзбекистонга ташриф буюриш билан илоҳ йўқлигини уйлаган эдик, — деди жаноб Ливингстон. — Чунки Ўзбекистон мустақилликка эришган соёқ совет республикалари орасида энг илчил ривожланиш йўлидан бораётган ва истиқболли порлоқ давлатдир. Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон билан ҳар томонлама алоқаларини ривожлантириш тарафдоридир. Шу жумладан, парламентларо ҳамкорлигини кучайтиришга катта эътибор беришимиз керак. Бундай алоқаларнинг ривожланиши халқларимиз ўртасидаги ўзаро ишончини янада мустақамлашга хизмат қилади, — деди Роберт Ливингстон.

Шунингдек, қайд этиб ўтиш жоизки, АҚШ конгрессменларининг Ўзбекистонга бу галги ташрифлари ҳам давлатларимизнинг сиёсий-ижтимоий ва савдо-иқтисодий муносабатларини кенгайтиришга омил бўлади. Энг муҳими, халқларимизнинг дўстлик ришталарини янада мустақамланади.

— Шубҳасиз,
Х. НУРИДИНОВ
суҳбатлашди.
Н. ХАЙРУЛЛАЕВ,
шаҳарловчи

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

Америка Қўшма Штатларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидидаги махсус вакили Билл Ричардсон келгуси ҳафтада Афғонистонга ташриф буюриши кутилмоқда. У Афғонистонга сўнгги 20 йил ичида сафар қилган АҚШнинг энг йирик сиёсатдонларидан бири бўлади. Билл Ричардсон ташриф давомида «Толибон» гуруҳи ва унга қарши курашаётган Коалиция ҳукумат раҳбарлари билан учрашади.

Эрондан олинган ҳабарларга қўра, мамлакатнинг жанубий ва марказий қисмларида кўчли сув тошқинлари руй берган. Табиий офат оқибатида 80 дан ортқ киши ҳалок бўлган. Сув тошқини сўнгги 30 йил ичида энг кўчли ёғингарчилик сабаб бўлган. Тошқин катта майдондаги экинларга зарар етказган, қўллаб турар жой бинолари қўлаб тушган.

Россия хорижга нефть экспорт қилиш ҳажминини кўнига 8,5 миң тонна камайтиради. Бу ҳақида Россия Бош вазирининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчиси Борис Немцов баёнот берган. Москва раҳбарияти бу тадбирни дунёдаги энг йирик нефть ишлаб чиқарувчи давлатлар билан келишилган ҳолда амалга оширади. Россия нефть экспорт ҳажмининг камайишига ҳақиқатда нефть маҳсулотлари нархининг кескин тушиб кетгани асосий сабабдир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотибидини Тожикистондаги махсус вакили Герт Мерим ўз ваколати муддатининг тугаши муносабати билан ўшбу давлатни тарк этди. Герт Мерим Тожикистонда тинчлик урнатилиш борасида қўп ишларни амалга оширган нфузули сиёсатдон саналади.

Индонезия ҳукумати мамлакатини иқтисодий ислохотлар ўтказиш режасини қабул қилди. Маъзур ҳужжат Индонезия ҳукуматининг Халқаро Валюта Жамғармаси раҳбарияти билан музокаралидан сўнг эълон қилинди. Индонезия иқтисодиёт вазирлиги мутаасаддис берган баёнотга қўра, Валюта Жамғармаси билан яхши муносабатларда бўлиш Жакарта раҳбариятига гуруҳ ва соя ёғи учун ёрдам маблағларини қабул қилиш имконини беради. Шунга қарамай, Индонезияда қўпгина маҳсулотлар ва коммунал хизмат турларига, жумладан, электр энергияси учун нархлар кескин кўтарилиши кутилмоқда.

Япония парламенти мамлакатининг жорий йил бюджетини тасдиқдан ўтказди. Маъзур ҳужжат Япония иқтисодиётини янада тараққиёт этиришга қаратилган. Бош вазир Рютаро Хасимото Япония иқтисодиётини кўтариш бўйича янги чора-тадбирлар ҳақида қўрсатмалар эълон қилиши кутилмоқда.

Халқаро Валюта Жамғармаси ҳамда Жон Банк Мозамбик давлатига 3 миллиард долларга яқин миқдорда қарз маблағи ажратди. Халқаро молиявий ташкилотлар жаҳоннинг 16 та энг ночор давлатларига ёрдам маблағларини ажратиб ташаббусини ҳаётга таъдиб этмоқдалар. Мозамбикка ажратилган маблағ ана шу тадбирнинг бир қисминдир.

Жаҳон ахборот агентлаклари хабарлари асосида

ТУРКИЯ — ЎЗБЕКИСТОН:

ТЕНГ-ҲУҚУҚЛИ ҲАМКОРЛИК

Эртага — 12 апрель кун Туркия Республикаси Бош вазирининг Месут Йилмаз Ўзбекистонга расмий ташриф буюради. Шу муносабат билан, икки давлатнинг ўзаро муносабатлари мавзусида Туркиянинг Ўзбекистондаги Буюқ элчиси жаноб Умур АПАЙДИН билан мулоқотда бўлди.

— Жаноб Алайдин, аввало, Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги давлатлараро муносабатлар ривож ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Азал-азалдан қардош ва қондош бўлган Ўзбекистон ва Туркия халқлари ўртасидаги дўстлик ришталари бугунги кунда тобора кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунларданок Туркия мамлакатининг тани олдди. Икки давлат ўртасида ўзаро ишонч ва тушуниш пайдо бўлди. Шундай бўлиши керак ҳам эди! Чунки биз қадимдан қардош эллармиз. Мамлакатининг мустақиллигининг дастлабки йилларида ик-

ки давлат муносабатлари Туркиянинг Ўзбекистонга ердан бериши орқали шаклланди. Лекин бугунги кунга келиб, бизнинг муносабатларимиз узларди, яъни энди биз сизларга ердан эмас, тенг ҳуқуқли ҳамкорликнинг тақлиф этмоқдамиз. Сабоби, Ўзбекистон дуненинг ҳар қандай давлат билан тенг ҳуқуқлилик асосида ҳамкорлик қила оладиган даражага етган. Давлатнинг сиз билан бутун жаҳон ҳамкорлик қилишга интилоқда. Шу жумладан, Туркия ҳам Ўзбекистон билан турли жаҳонларда яқиндан ҳамкорлик қилиш тарафдоридир. Ўзбекистон қадимий тарихга эга бўлган, бугунги кун буюқ во-

қарларга бой ва келажак буюқ бўлган давлатдир. Туркия Ўзбекистоннинг истиқболли порлоқлигига қаттиқ ишонди. Биз Президент Ислам Каримов оlib бораётган ички ва ташқи сиёсий фаолиятини катта қизиқиш билан кузатмоқдамиз. Менинг ушим ҳам юртингиздаги ўзгаришларга катта қизиқиш билан қарайман.

— Элчи жаноблари, албатта, ҳар қандай ҳамкорлик иқтисодий алоқаларга асосланади. Иқтисодий, савдо-сотиқ муносабатининг ўзи бўлмайди. Шу маънода, мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодий ҳамкорлиги раванқи ҳақида тўхтабсангиз.


— Туркия Ўзбекистон билан тенг манфаатдорлик асосида иқтисодий ҳамкорлик қилиб келмоқда. Иқтисодиётнинг жуда қўп соҳаларида бир-биримизни тушуниб, ўзаро ишонч билан алоқаларини ривожлантириб бормоқдамиз. Ўзаро

савдо-сотиқ, ишлаб чиқариш ва бошқа иқтисодий жаҳонлардаги муносабатларимиз катта. 1996 йилга келиб давлатларимиз ўртасидаги маҳсулот айирбошлаш ҳажми 400 миллион доллардан ошиб кетди. Ташқи этилаётган қўшма корхоналар сон бугунги кунда 350 дан зиёд. Бу қўшма корхоналар озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари, кийим-кечак ишлаб чиқаришга иқтисослашган. Шунинг ҳам қайд этиш керакки, Туркиянинг ундан ортқ қурилиш компаниялари Ўзбекистонда самарали фаолият кўрсатмоқда. Икки мамлакат қурувчилари ҳамкорликда жуда қўп иншоотларни бунёд этдилар. Жумладан, Бухородаги Қоронубозор нефтини қайта ишлаш заводи ҳам туркиялик қурувчилар иштирокидан барпо этилди. Тошкентдаги қатор меҳмонхоналар, корхоналар, банклар «Ай селъ», «Бурсель»

каби турк қурилиш фирмалари томонидан қўриб фойдаланишга топширилди. Самарқандда туркиялик иншоотчилик иштирокидан «Самарқанд-КОЧ» номи қўшма автомобиль заводи қурилмоқда. Бу завод шу йилнинг эз ойларида ишга туширилиши режалаштирилган. Урганча икки давлат иншоотчилари ҳамкорлигида янги шакар заводи қурилиши ҳам охираб қолди. Бундай қўшма лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мумкин.

— Жаноб элчи, мамлакат суҳбатининг учун ташаккур. Ишончим комилки, Туркия Бош вазирининг мўхтарам Месут Йилмаз жанобларининг Ўзбекистонга қилажак ташрифлари икки қардош халқ ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада мустақамлашга хизмат қилади.

— Шубҳасиз.



Дўппидўзлик халқимизнинг энг ардоқли хунарига айланган. Беповен дёнризмизнинг қайси бурчагига борманг - Фаргона, Бухоро, Хива, Наманганда сизни хушбичим, бежирим бош кийими - ўзбек дўпписи кийган чехраси очки кишилар қарши олади.

Бошқа миллий кийимларга қараганда, Ўзбекистонда дўппи кенг тарқалган. Унинг тарихи ҳам узок асрлар қарьига илдиз отиб кетган. Дўппи тарихини сўзловчи энг қадимий маълумотлар милоддан аввалги 519 йилга мансуб. Эрамыздан аввалги 5 асрда мавжуд бўлган машҳур Бехистун қоя-тоши қолдиқлари урганилаётганда, унинг бир қисмида ўйиб чизилган одам суратларининг бош кийими дўппи эканлиги аниқланган. Яна бир маълумотта қараганда, дўппи Ахомониёлар сулоласининг подшохи эрамыздан олдинги 522-486 йилларда ҳукмронлик қилган Дорид I даврида пайдо бўлган.

Дўппининг дастлабки, ибтидоий турлари ҳозирги Эрон мамлакати урида кенг тарқалган. Дорид I Урта Осиёни забт этганида эса, дўппини бу ерларда яшовчи сақлар, массагетлар, сўғдийлар ҳам кийиб бошлаганлар. Уша даврлардан бери нафақат Марказий Осиё халқлари,

балки Шарқнинг кўплаб бошқа миллат ва элатларида ҳам дўппи кийиш кенг тарқалган. XIII асрда дўппини хатто руслар ҳам кийган экан. Муғул хонлари ўзларининг Русиядаги вассалларига тобелик ёрлигини бериш билан бирга, уларга дўппи ҳам кийдирганлар. Муғулларда дўппи

Миллий қадриятларимиз

ЎЗБЕКНИНГ ДЎППИСИ...

қийдириш куликка солишни билдирган бўлса, ўзбекларда қадим замонлардан бери бу одат ҳурмат ва дустилик маъноларини ифода этади. Дўппининг ўзбек халқи учун доимий оммавий бош кийими бўлганлиги жуда кўп шахар ва қишлоқларимизда ўзига хос дўппидўзлик мактаблари яратилишига олиб келган. Бугун Ўзбекистон бўйлаб, хусусан, Чуст, Марғилон, Қўқон, Шаҳрисабз, Бухоро, Тошкент, Уратепа, Шаҳрихон, Косон, Ургут, Фаргона, Бойсун, Хева каби минтақаларда турли-туман дўппилар тикилган. Булар ичида энг яхшиси ва Ўзбекистонда кенг тарқалган Чуст дўппиларидир. Аёлларнинг дўппилари орасида «ироки» деб ата-

ладигани энг ноқид ва ноёбдир. Унинг тарихи Амир Темур ҳазратларининг номи билан боғлиқ. Буюқ Соҳибқирон жаҳоннинг турли бурчакларидан кўплаб хунарманд усталарини Самарқандга жалб этган эди. Шу жумладан, Амир Темур даврида Ироқ мамлакатидан бир қанча

ли рангдаги зар иплар билан товланган Бухоро дўппилари хориқликларини ҳам лол қолдиради. Хева дўппидўзалари эса бу соҳада ўзига хос услуб яратиб олганлар. Уларнинг дўппилари юртимизнинг бошқа минтақаларидаги дўппиларга ўхшаб думалоқ ёки тўртбурчак шаклда

эмас. Балки кизағидан то учига қадар зиналоқ шаклида тикилган бўлади. Эракларнинг дўппиларида аксар факат қора ва оқ ранглардан фойдаланилса, аёлларимизнинг дўппиларида камалнинг этти хил ранги жила қилади. Ота-оналар фарзандларига чиройли ва бежирим дўппиларини олиб бериб, завқланадилар, бошинг тўйдан чиқмасин, деб ният қиладилар. Дўппидўзликда асрлар давомида шаклланиб келган турли нақш гулларидан кенг фойдаланилади. Масалан, «қалампир», «бодом нуска», «бодом гули», «баргак», «булбул», «занжираи дандона», «кабутар», «занжираи рафтор», «капалак», «анор гули», «лолагул», «тоқ

АФРИДУН САРОЙИГА БИТИЛГАН СЎЗЛАР

Биринчи: «Кимки чакимчиларинг ва ёлгончиларинг сўзига кирса, ранку баллар кўргай, ақл тadbирнинг қўли унинг чорасидан қутулишга қалтаклик қилгай». Иккинчи: «Кимки ақлу доноси онаси этағида тарбия топган бўлса, ҳеч вақт душман макридан фойил қолмагай, душман илонта ўхшайди, яъни ҳеч қачон дўст бўлмайдиган».

Учинчи: «Дўстлардан арзиманг сабаб билдан ранжиш ярамайди ва дўстлардан ўқалаш нодонлик аломатидир».

Туртинчи: «Дўст душманга айланмасин десанг уни азиз тут, токи, шафқат суви-сиз қолган, озсуқиз пажмурда бўлган муҳаббат дарахти, ҳақдаллик ва эътиқод низоли қайтадан гуллаб-яшнасин».

Бешинчи: «Дон қишлар билан маслаҳат қил. Шунда ҳам маслаҳатлардан узок бўласан ва ишларинг тўғрилиқ ила амалга ошадиган».

Олтинчи: «Ўз ичиндан чиққан душмандан эҳтиёт бўл, «чинор барғи», «читтигул» деб номланган нақш шакллари ишлатилади. Дўппининг бошқа вази-фаларга эга турлари ҳам бор. Мана масалан, қадимда «ароқчин», «шаб-пўш» номли дўппиларни эраклар кечаси кийиб ётганлар. Узун ва учли «қулоқ» эса салла остидан кийиладиган дўппи. «Қалтапушак» эса аёлларнинг байрамларида қий-диган узун қокилли дўпписидир.

Шундай қилиб, дўппи халқимизнинг энг қадимий миллий кийимларидан бўлиб, айна вақтда энг азиз ва ноёб миллий қадриятларидан биридир. Халқимизда тўйларда, меҳмондорчиликларда қадрли меҳмонларга, дўстларга дўппи қийдириш одати бор. Онахонларимиз узок сафарга кетаётган фарзандларига йўл-да ҳамроҳ бўлсин, деб нон билан бирга дўппи ҳам бериб юборадилар. Бешикда ётган жажжи чақалоқларимизнинг ёстиғи остига ризқ-насиба манбаи - нон, ёмон қўздан асровчи ойна ва қайроқтош қатори, дўппи ҳам қўйиб қўйилади. Дўппи ҳамюртларимизнинг ажралмас ҳамроҳи, миллий ғурурининг бир бўлағидир.

Габрово латиғалари

ЎХШАШЛИК - Биласанми, - деди габроволик шериғига, - Сени ҳар сафар кўрганимда, негадир хаёлимга Тоти келди. - Нимага? - ажабланиб сўради шериғи. - Чунки у ҳам мендан беш лев қарзда.

ОФИР МУАММО

Эртага зияфат. Билмадим бораёми ёки йўқми, - сўради габроволик. - Қимнинг зияфати? - қизиқиб сўради ундан. - Узининг...

УЗУК

Габроволикдан сўрашди: - Ниҳок узунг қани? - Узунки бу ҳафта хотиним тақади, - дея бепарволик билан жавоб берди у.

АВТОБУСДА

Қатта қоп кўтарган габроволик автобусда борарди. Ундан қолдаги юк учун ҳақ тулашни талаб қилишганда, габроволик таажубланиб деди: - Ахир, курапсиз-ми, қопми узим елкамда кўтариб турибман-ку!

Габрово латиғалари

ЎХШАШЛИК - Биласанми, - деди габроволик шериғига, - Сени ҳар сафар кўрганимда, негадир хаёлимга Тоти келди. - Нимага? - ажабланиб сўради шериғи. - Чунки у ҳам мендан беш лев қарзда.



Р.ГАЛИЕВ сурат лавҳаси.

Ривоят

ПАҲЛАВОН МУФРАД

Зайниддин Восифий «Баласул вақоси» да ҳикоя қилди: Хуросон паҳлавонларининг сардори Дарвеш Аҳмад саллақан Хижоз сафаридан қайтганда у билан Бағлоддан Муфрад номи бир қаландар ҳам келди. Хушқомат ва эб-болликда Муфраддай одамни ҳеч қим қурмаган эди. Бироқ дўбунга шаклида қалпоғи, етмиш амак матрийиб намак тузи бор эди. Ичига қумуш қўйилган тағи ҳам бор эдики, оғирлиги уч ман (ун эликка) келарди. У Хирот хибони бошига келиб: «Хиротнинг беш дарбозиси ва тўққиз бўлуқининг паҳлавонлари, чапанимо наҳанларини чорлайман! Шу мўпга қим келса, атарки Рустам Досдон, эмиш Наримон ва Исфандиёр Райнот билан ҳам у билан жанг қиламан!»-деб овоз қилди.

Бунинг хабари Сўлтон Хусайн Мирзога етди, уни қақтирибди: «Номинг нима?»-деб сўради. «Поҳим, шаҳриерим, деб жавоб қилди у. рўбарўнига тўртган қаландарнинг номи Муфраддир. Унинг қўлида қўқаландонек тобланган итмомна чўби бор экан ва у фалақининг тўққиз бўлуқи паҳлавонларини ўз олдига паст деб билар экан, улут мартбагини саройи дарбони қўлида таек сўлтон хуқонлар бошида сингай, рубўи масқун паҳлавонлари хизматининг қўлуғида бўл-гай».

Мирхалининг асломалиги ривосини қилиб, рози бўлмади. Аммо у: «Мен жанг қиламан!»-деб тўриб олди. Шунда Муфрад: «Эй саййид, майли жанг қилай, истасангиз бошиму, қузими чоқлаб беришди. Чарчаганингизча уринг. Кейин эса мен жанг бошлайман»-деди. Шундай дейиш-хуруридан чикиб кетинди. Бог Зогондан чиққилари билан амир Халид ва унинг шериклари Муфрадга уртага олиб, ун саккиз жойига чиқоч ва жанҳар уридилар. Бунинг хабари Мирзога етган: «Мирхалининг қаерда қурсангиз, ҳеч қимдан сўраб ўтирмай отиб қўлингиз!»-деган буйруқ берди. Мирхалининг унинг тарафдорлари ширини-ли. Мирзо Муфрадга ўз ҳу-зурига келтириб ва барча жароҳларини қақирди: «Агар шунинг даволай осанлар нима муросиларинг бўлса ҳосил қилурман»-деди. Жароҳлар унинг жароҳатларини текшириб: «Ичати кесилибди, уни тикиб бўлмайдми»-дейишди. Мирзо: «Устод Шайх Хусайн жароҳоти топиб келинлар!»-деб буюрди. У бемор ётган экан, тақтиравонда олиб келишди. Яралорини қурғач, суварак чумоқлидан бир қанчасини олиб келтиришларини буюрди-ҳозир қилишди. У кесилган ичанинги икки учини бир-бирига ептиришди, бир чумоқлини ичкалар ептиририлган жойга тутди. Чумоқли ярага нинг уриб, тишлаган захоти уни бошинг кесилиши, Бошқасини унинг еиндан шундай қўйиб, қаласидан жуло қилардилар. Шу йул билан кесилган ичка атрофини тикиб чиққиларда, қоринга солиб, қоринни тикки қўйдилар. Кейин лаволай бошладилар. Муфрад қўн қўн деганда оёққа турди. У сўрагани билан Сўлтондан Амир Халиднинг тўқмоқидан тўқини сўради. Подшо авф қўниси ешиб берди. Бу хабар Амир Халидга етиб билан Сўлтонга етиб, урзоҳлик қилди. Подшо унга: «Сени Муфрад билан яраштириб қўйсам»-деди.

Аммо Мирхалил: «Барибир жанг қиламан»-деди. Муфрад ҳам бу сўзни эшитиб: «Сабр-яхши нареса, аммо керагиндан орғити эиен, майли жанг бўлса, була қолсин»-деди. Жанг қўни белги-ланди. Амир Халид Муфраднинг бошини қўзғиб, ўл мар-та чўб уриб, Муфрад зарба-ларини қақтарди. Муфрад мул-жаллаб турди. Мирхалининг оёғига солиб, бир оғи чўрт узилиб, чўққалаб қолди. Жанг тўхтатилди, Муфрад енди, унинг довури оламни тўтди.

Муфраднинг овозасини эшитиб, Хуросон чапанлари уртасида шов-шув, гала-тоғур бошланди. Аламдорнинг ўғли-бир чапани бор эди. Ғоят паҳлавон забар дастликда унга тенг келадигани йўқ эди. Уни муфрад билан жанг қилишга тўғ-ғиласдилар. Бу ганин подшога бориб айт-дилар. Бог эгон ҳавзи ла-биди жанг бўладиган бўлди. Сўлтон Хусайн Мирзо ва унинг ун турт ўғли ўз чор-тоғларидан жангини томоша қилардилар. Оломон ҳеч ерга етмасди. Муфрад ва Аламдор ўғли икки маст шер ва икки кутурган филдек марьака уртасида, майдонда бир-бирлари билан жанг бош-ладилар. Аламдорнинг ўғли олдин тағини қутарди-ди, Муфраднинг бошини қўзғаб урди. Таек тўшаганда Муфрад эгилди билан узини четта олди. Аламдор ўғлини-ни тағи қўздан чиқиб ерга санчишди. Унн тортиб олмақ-чи бўлганда Муфрад бунга имкон бермай, тағини бо-

ши тағисиди айлангириб, уни-ни жағига қийлаштириб. Алам-дорнинг ўғли ерга алғариди. Халойиқнинг бақирч-қақир-ғи ҳаммақини тутиб кетди. Мирзо табақад олтин келтириш-ни буюрди. Уни Муфрад бо-шидан нисор қилдилар. Унинг довури бугун Хуросонни тут-ди. Ферузобод дарбозиси яқини-да бир чапан бор эди. Уни Хайлар Тийрлар дер эдилар. Ба-ҳодирлар жангда унинг қалгаги зарбилан қўқсақлар, чапан-ю зарборилар унинг ханжару пи-чоғининг захидан қақтирдилар-ди. Чапанлар уни Муфрад бил-дан жанг қилишга ундадилар. У: «Келиб-қелиб бир келгинди қаландар билан жанг қиламан»-деб қўнмади. Унга: «Хо-зи Хуросон паҳлавонларининг номи олта соғурди, қайта-риб олти қўлингдан келса, ўзи-нни қурат, дедилар. Хулдас, уни Муфрад билан жанг қи-лишга қўндирдилар. Подшодан: «Муфрад билан Хайлар жан-гига Хиротнинг ҳамма номдор паҳлавонларини тўққизини»-деган буйруқ бўлди. Жанг қайта-ди. Муфрад ўз қалганин Хайлар-динг қийғига тутирарганда омад Хайлар қўлдани кетди, унинг таек отишга мажбони қолмади. Муфрад Хайларнинг бели ва кийфига турт марта қалтак ту-ширди. Хайлар орият қўчи бил-дан йиқилмасдан тебраниб ту-рарди. Муфрад олтинчи таекни Хайларнинг бошига туширмоқ-қа чоғланди. Сўлтон мулоҳаза қилдики, агар шунчи ҳам урса, Хайлардан ному шидон ҳам қолмайди. Шунда у: «Хой, Муф-рад, шу чўбини урма!»-деб овоз қилди. Муфрад тақини энди ту-ширмоқчи бўлиб турганида, подшодинг бу садосини эши-тиб, айланди-да, чўбини бир чи-нор дарахтига қараб олди. Чўб яримтағига унинг танасига бот-ди. Муфраддин Сўлтон енига чорланди-ди: «Хайлар қақдила нима дейсан?»-деб сўради. У: «Шо-ҳим, инсоф билан айтганда, мен урган шу таекларнинг би-ри менга теккудек бўлса йиқи-либ, қияматгага туролмасдим. Паҳлавон Хайлар-жаҳон паҳла-вондир».

Бу гап Мирзога маълум туш-ди, муфрадга тилдо тўғмали зар-чопон ва беш минг тағта пул инъом қилди. Хиротда Амир Халил деган бир амирзода бор эди. Шаҳар-нинг беш дарбозиси ва тўққиз бўлуқидан чапанлар унга бош эгар эдилар. У Сўлтоннинг ол-дига келиб: «Мен сизнинг Мур-фаднинг билан жанг қила-ман»-деди. Мирзо қўлиб: «Ав-вало Муфрад эмас, Муфрад! Жанг қилдингиз бўлсанг, олиб олдингиз»-деди. Шундай Муфрад қийиб келди. Сўлтон унга: «Саййидзола Мирхалил сен бил-дан жанг қилмоқчи, сен нима дейсан?»-деб сўради. Муфрад

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.

БАҲОРИМ

(кўшиқ)

Борлик қулиб уйғонди эсди баҳорий сабо, Умид билан далага отланди деҳқон бобо. Лов-лов ёнар лоладан атроф, соғлардир кир-адир, Соғлар тўлиб оқмоқда шивалар майин ёмғир.

Мухлисимиз

МАКТУБ ЙўЛЛАБДИ

Мустақиллик қўнига бағишланган ва ўтган йил охирида яқунланган шах-мат талови иштирокидаги мухарижатимизга йўллаган мактублардан қисқа-қисқа парчалар ёзган қилган эдик. Уларнинг кети узилигани йўқ хали. Қуйида ушалардан яна биттиси билан га-зетхонларни таништиришни лозим топдик.

«Фил суриб, от ўйнатиб»

Мазлумки, шахмат ком-позииси Шарқда минг йил-дан бери ривож топиб, хо-зир эшиш 53 да. 13 ёшим-дан, яъни шахматни ўрганган-ман кўп ўтмай, албатта са-вима даражасида масаллар тузиб тураман. Турмуш та-вишларидан мураккаб, аммо қизиқарили бу соҳа билан мут-

ман. Айна вақтда шу ишга ўзим ҳам баҳоли қудрат ҳис-са қўшишни ният қилдим. Хо-зир эшим 53 да. 13 ёшим-дан, яъни шахматни ўрганган-ман кўп ўтмай, албатта са-вима даражасида масаллар тузиб тураман. Турмуш та-вишларидан мураккаб, аммо қизиқарили бу соҳа билан мут-

тасил шўғулланиш имкони бўлмади. 50 дан ортироқ турли савиядаги масала этод-лар тузганман. Шундан 2 та-сининга юборгандим ва улар 1967 йил сентябрда ва 1968 йил февралда «Равда Вос-тоқ» газетасида Босиллиб, ишбиланган эйтиборига сазовор бўлганди. Эйтибор-инингизга янги тузган масала ва этодларидан 4 тасини хавола қилмоқдаман.

Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт
МУДОФАА ЁРИБ ЎТИЛАДИ
3-5 апрель кунлари Ўзбекистон терма жамоаси теннисчилари Жанубий Кореяда меҳмон бўлидилар. Осиёда энг кучлилардан ҳисобланган Жанубий Корея терма жамоаси билан белишилди. «Девис кубо-ғи»нинг жаҳон лигасига бе-риладиган йўлнамани учун ў-қазилган уршувларда тен-нисчиларимиз ўзига хос ма-норат ва чаконликларини намойиш этишди. Дастлаб қорғта Вадим Куценко чи-қди. Вадим бундан аввал тер-ма жамоамиз сафида 1995-96 ва 97-йилларда Хитой, Бразил, Покистон ва Фин-ляндия давлатлари теннис-чилари билан тенгма-тенг қурашган эди. Марказий Осиё уйларидаги мутлоқ го-либи, Хиндистон, Корея, Хитой, Исронда ўтказилган Саттелит турларининг иш-тирокисиди, Фаргона ва Ан-дижонда ўтказилган Челлен-жер турнирларининг го-либи Вадим Куценко Жанубий Кореянинг биринчи ракетка-чиси Юн Ёнг Илга рубару келди. Биринчи партида тақрибани корейлик теннис-чи 4:6 ҳисобида галабага

«ПГС» ФИРМАСИ
КўЙИДАГИЛАРИ СОТАДИ:
Ресторанлар, кафе ва ошхоналар, ишлаб чиқариш ва машиини бинолар, шовқинчи юқори самарали иситиш учун иситкичлар, далолат электорфлар.
Нархи 45000 сўмдан 50000 сўмгача.
Ташкилот ва корхоналардаги; шифохона, санаторийлардаги; дам олиш уйлари, меҳмонхоналардаги; спорт комплексларидаги ҳаммомларнинг САУНАлари учун махсус иситкичлар, далолат электорфлар.
Кичик ноновийоналар (4 хилдаги: 160,80,32 ва 8 буханка нон пишириш қувватига эга)
Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри С.Раҳимов метро бекати.
Тел: (3712) 79-14-29, 79-38-54.
ТАШКИЛОТ ҚўЙИДАГИЛАРИ СОТАДИ:
Диаметри 12, 14 мм арматураларни;
Диаметри 32, 35, 40, 45, 50, 63 мм утолқ (уч бурчак)ларни;
Пўлат исит (тақча)ларни;
Бир симли пўлат ҳамда икки симли рух тикашли симларни;
АНО-4(Украина) электорфларни;
Қоғозлистан олтинган қалыни карбонди;
СНОВ-А дивалдашлан симларни;
ТО-10, ТО-30 қурилиш қоланларни;
Янги «КамАЗ» самосвал автотомобилни;
«Суверма» автотомобилни;
«Иванец», «КамАЗ» кран-автотомобилларни;
«Мерседес», «Дажу (Мушбиси)», «Форд» автотомобилларни;
ТАЗ, ВАЗ, «Газель», УАЗ, «КамАЗ» сервисиди автотомобилларни;
«Волга», «Жигула», «Дамас», «Тико», «Нексис» ва «Эсперо» автотомобиллари учун эҳтиёт қисмларни;
Мотор ёнги, тормор суқондигини, транс-миссон ётнин, аксес-сувалдашларни;
ЕВ-687 1,2 тоннади электоркалганларни.
Мурожаат учун телефон: (3712) 77-84-36

Бош муҳаррир уринбосари: ЧОРИ ЛАТИПОВ
ВИЛОЯТ МУХБАРЛАРИ:
Жезоқда - 3-83-01, Қарағанди - 6-22-10,
Амандида - 3-84-24, Қашғарида - 4-58-43,
Ургачида - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.
Бош муҳаррир қабулхонаси - 56-25-36
Бош муҳаррир уринбосари - 56-52-89
Масқул қотиб - 56-52-78
БҒИМЛАР:
Қасаба уюшмалари ва истеодот - 56-82-79, Ахборот ва спорт - 56-87-63, Миллий таълимнинг - 56-82-79, Халқаро оммавий ишлар ва муҳаббат билан ишлаш - 56-85-43, Тижорат ва ҳуқуқ - 56-85-66.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа болаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.
Нашир қурғатқичи: 133, 134.
Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитасидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерда терилди ва сақидиланди. Обсерт усулида босилди. Биринчи А-2. Ҳажми 2 бетас табоқ.
«Ишона» нашрият-матбуот маркази босма қўлхонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширишди 21.00